Тошкент ҳақиқати

№ 170 (10.419).

1992 йил
12 декабрь
шанба

Баҳоси 3 сўм.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий–сиёсий газетаси

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 10 декабрь куни ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Олий Кенгаш Раиси **Ш. М. Йўлдошев** бошқарди.

Парламент Олий Кенгаш комитетлари тузилиши ва уларнинг таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири **А. Муталов** сессиянинг кечаги мажлисида ахборот берганидан сўнг ноиблардан тушган саволларга жавоб қайтарди.

Олий Кенгаш айрим халқ ноибларининг ноиблик ваколатлари тўғрисида қарор қабул қилди.

Адлия вазири **М. Маликов** бир гуруҳ халқ ноибларининг «Бирлик»нинг ғайриқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги сўровларига жавоб қайтарди. Олий Кенгаш Адлия вазирлиги ва Республика прокуратурасига шу ҳаракат раҳбариятининг ғайриқонуний фаолиятини текшириб, қонунга мувофиқ чора кўришни топширди.

Маданият ва маданий меросни асраш масалалари комитетининг раиси **П. Қодировнинг** Ўзбекистон Республикаси орденлари ва медалларига доир таклифларини ўрганиш тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Олий Кенгаш Республика Давлат мадҳиясини тасдиқлади ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. А. Каримов** нутқ сўзлади.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1990 ЙИЛ 7 МАЙДАГИ ФАРМОНИНИ АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВА БОШҚА ДАВЛАТЛАР ҲУДУДИДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИДА ҚАТНАШГАН ФУҚАРОЛАРГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАҚИДА

Уй-жойларни хусусийлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида Афғонистон Республикасида ва бошқа давлатлар ҳудудида уруш ҳаракатларида қатнашган фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 7 майдаги фармонининг улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ҳозир улар яшаб турган давлатга ва идораларга қарашли уйлар ҳамда квартираларни шахсий мулк қилиб беришга доир қисми 1979 йил декабридан 1990 йил февралигача бўлган даврда Афғонистон Республикасидаги уруш ҳаракатларида иштирок этган фуқароларга, шунингдек турли йилларда бошқа мамлакатлар ҳудудида уруш ҳаракатларида қатнашган собиқ ҳарбий хизматчиларга нисбатан жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталик муддатда мазкур фармонни амалга оширишни таъминлайдиган қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 11 декабрь.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЮКСАЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати махсус, унумлироқ ва тежамлироқ технология асосида молибден сим ишлаб чиқара бошлади. Комбинат МДҲ мамлакатларида шундай сим ишлаб чиқарадиган бирдан-бир корхона бўлиб, бу маҳсулотдан саноатда, хусусан, ҳозир тақчил бўлиб қолган электр лампалар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Чирчиқ металлурглари вольфрамдан ип тайёрлашни ҳам ўрганиб олдилар. Вольфрам ипининг йўғонлиги инсон соч толасидан уч-тўрт баравар ингичкароқдир. Уни оддий кўз билан кўриш ҳам қийин. Ана шу металлдан тайёрланган фольга ҳам мустаҳкам ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари учун жуда зарурдир. Вакуум пресслаш усули билан ишлаб чиқарилган махсус вольфрам варақ (лист)ларга талаб ҳам жуда катта. Жаҳондаги бир неча фирмагина шундай маҳсулот ишлаб чиқараётгани билан мақтана олади.


Ҳозир комбинатда оммавий эҳтиёж молларини ишлаб чиқарадиган цех қурилмоқда.

Корхонанинг муаммолари ичида корхонани ҳом ашё билан таъминлашдаги қийинчиликлар энг асосий муаммодир. Комбинат ҳом ашёнинг бир қисмини республика табиат ҳазинасидан олади, лекин асосий қисми ташқаридан — Россия, олис хорижий мамлакатлардан келтирилади.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида қабул қилинган)

Мутал БУРХОНОВ мусиқаси — **Абдулла ОРИПОВ сўзи**



• ЎЗБЕКИСТОН—ХИТОЙ



ЗАМОНАВИЙ, НОДИР, МЎЪЖИЗАКОР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ 1-ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲИДА ХИТОЙ ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ ТИББИЙ ЖИҲОЗЛАРИ ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

ЎРТА ОСИЁ, жумладан, бизнинг Ўзбекистонимиз билан Хитой Халқ Жумҳурияти ўртасида азалдан барча соҳаларда ҳамкорлик тиғиз бўлиб келган. Ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда тиббий алоқалар кейинги йилларда, айниқса, янги поғонага кўтарила бошлади.

Ўзбекистон билан Хитой кўп асрлик қўшнилар ҳисобланади. Қадимий Чин мамлакати билан ўзбеклар диёрининг машҳур табиблари ҳамиша бир-бирларидан ўрганганлар, бир-бирларига ўргатганлар. Тиббий ходимларимиз ўртасидаги борди-келдилар ҳамон амал қилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг эса бу алоқалар янгича мазмун касб эта бошлади.

Куни кеча Тошкент Давлат 1-тиббиёт институти шифохонаси биносида Хитой Халқ Жумҳурияти тиббий жиҳозлари ва асбоб-ускуналари кўргазмасининг очилганлиги ҳам юқоридаги фикрнинг тўғрилигини яна бир карра тасдиқлайди. Қизиғи шундаки, ҳали кўргазма очилмасдан бу тадбир кенг жамоатчиликнинг эътиборига тушди. Кўргазмага ташриф буюрган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳлари олимлари, бевосита муолажа билан шуғулланадиган шифокорлар, олийгоҳларнинг талабалари, узоқ-яқиндан келган мухлислар билан меҳмонларимиз бўлмиш Хитой Халқ Жумҳурияти вакиллари ўртасида фойдали мубоҳасалар бошланиб кетди...

... Ниҳоят пайшанба куни эрталаб соат 10 да мазкур кўргазма тантанали равишда очилди. Унинг очилишида сўзга чиққан пойтахт Ҳамза райони ҳокими Б. Ю. Юсупов, биринчи тиббий олийгоҳ ректори Т. О. Даминов, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги илм-фан ва ходимлар тайёрлаш Бош бошқармасининг бошлиғи О. М. Нажмиддинов, кўргазма раҳбари Че Женги, профессор Жо Сиган ва бошқалар кўргазманинг ўтказилиши Ўзбекистон билан Хитой маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлаётганлигини, у ҳар икки давлат тиббиётини ривожлантиришга, дўстона алоқаларимизни янгича мазмун билан тўлдиришга ҳисса бўлиб қўшилажаклигини таъкидладилар.

— Ҳозирги пайтда,— деди биз билан суҳбатда 1-тиббиёт олийгоҳи шифохонасининг бош табиби Ҳ. Насриддинов,— Хитой Халқ Жумҳурияти тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш бобида жаҳонда етакчи мамлакатлардан бири сирасига киради. Шу боис биз хитойлик ҳамкасбларимиз билан, мана деярли икки йилдирки, тажриба алмашиб, бозор муносабатлари шароитида улар билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Хитойда ҳозир 600 дан зиёд корхона тиббиёт жиҳозлари ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш билан, 14 олийгоҳ эса уларни тадқиқ этиш ва ўзлаштириш билан шуғулланади. Хитойнинг бугун кўргазмага қўйилган электрон, рентген, жарроҳлик, стоматологик, нина билан даволашга тааллуқли жиҳозлари оламда машҳур эканлигига гувоҳ бўлаётирмиз. Магнитли тўлқин тасвирларини шакллантириб берувчи тизилма, турғун тўлқиндаги чизиқли тезлатгич, зарбли тўлқин билан тош майдалайдиган аппарат, нурли — ультратовушли допплер визуализатори, оптик, клиник-биокимёвий текширгичлар, лазер асбоблари, санитар воситалари сингари жиҳозлар ҳамюртларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўйлайманки, бугунги кўргазма ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва тиббий муносабатларни ривожлантиришда ғоят манфаатли бўлади.


— Тўғри гап,— деди суҳбатга аралашган олийгоҳ юз жарроҳлиги бўлими мудири, шифокор Д. Минисаев,— мен кўргазмадан яхши таассурот билан чиқаётирман. Ундан кўнглим тўлди. Энг муҳими шундаки, амалиётдаги асбоб-ускуналар йил сайин ўзгариб боради. Яхши асбоб-ускуна эса хастанинг ҳам, шифокорнинг ҳам жонига ора киради. Шу маънода бугунгига ўхшаган кўргазмаларни тез-тез ўтказиб туриш ижобий натижалар бериши шубҳасиздир.

...Тиббий асбоб-ускуналар Хитой саноат жамияти, тиббий жиҳозлар жамиятининг Хэйлунцзян саноат компанияси ҳамда Тошкент Давлат 1-тиббий олийгоҳи томонидан уюштирилган кўргазмага келиб-кетувчилар кети узилмаётир. Айни пайтда ўзбекистонлик ва хитойлик соғлиқни сақлаш ходимлари бундай дўстлик муносабатларини янада чуқурлаштириш хусусида янги-янги режалар тузмоқдалар.

Р. УМАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

● **СУРАТЛАРДА:**
Кўргазма очилишидан лавҳалар.

Суратказ: Р. ШАРИПОВ.





ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси муовини Б. И. Бугров ва Олий Кенгаш қўмиталари вакилларининг маҳаллий ва хорижий ахборот маҳкамалари мухбирлари билан Ўзбекистон Олий Кенгашининг куни кеча ўз ишини тамомлаган ўн биринчи сессияси якунларига доир суҳбати бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида журналистларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎзА).

ЧЕТ ЭЛ ДАСТГОҲЛАРИ

«ШАРҚ ГЎЗАЛИ» бадиий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган моллар ўзининг нафислиги ва бежиримлиги билан харидоргир бўлиб бормоқда. Корхонанинг биргина попоп цехида тикиб чиқарилаётган маҳсулот турини йигирма хилдан ошиб кетди.

Меҳнат ютуқларига эришишда асосий жараёнларнинг автоматлаштирилганлиги жуда қўл келмоқда. Мазкур цехнинг мукаммал таъмирланиши туфайли бу ерда сифат кўрсаткичи янада ортди. Мураккаб, замонавий дастгоҳларнинг кўпи хориждан олиб келинди. Жумладан, Японияда ишлаб чиқилган қудратли машиналар чеварлар оғирини енгил қилди. Цехда Германияда ишлаб чиқарилган «Зингер» маркали тикувчилик дастгоҳи намуналарини ҳам учратиш мумкин.

• *Бизнинг суҳбат*

ЯНГИ КОРХОНА ОДИМЛАРИ

Шу йилнинг бошида «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибидан ажралиб чиққан шифер ижара корхонаси маҳсулотлари бугунги кунда бутун Ўзбекистонга машҳур бўлиб қолди. Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси О. Хушназарзода корхона директори, шаҳар Кенгашининг депутати Ураимқул Ирисқулов билан суҳбатда бўлиб, унга жамоанинг дастлабки меҳнат натижалари ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари қандай ҳал қилинаётганлиги ҳақида саволлар билан мурожаат қилдик.

— Ураимқул Ирисқулович, ижара корхонаси қай тариқа вужудга келди?

— Бу иш осонлик билан бўлгани йўқ. Корхонамизнинг илгариги номи асбоцемент заводи бўлиб, Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибида эди, бир вақтлар у шифер цехи деб аталарди. Илгарилари ҳам бу цех цемент заводидан ажралиб чиққан, бироқ мустақил оёққа тура олмай, иши юришмай яна заводга қўшилган эди. Эндиликда вазият бутунлай ўзгарди. Бир мисол: цехдаги ускуналар ўттиз йилдан бери ишлаб турибди. Шифер бирлашманинг асосий маҳсулоти эди. Бироқ тушган фойда цех учун сарфланмасди, ижтимоий масалалар, маданий-маиший ишлар ўлда-жўлда эди. Фақат мустақил бўлиб, ижара пудрати усулига ўтиб ишлагандагина ишимиз ривож топишини англаб етдик. Бу йўлдаги ҳаракатимизни Оҳангарон шаҳар ҳокимияти, Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги қўллаб-қувватлади.

— Мана орадан ўн бир ой ҳам ўтибди. Дастлабки натижалар қандай?

— Режаларни тўла уддалаяпмиз. Шу йилнинг ўтган ойлари учун белгиланган топшириқ ортиғи билан бажарилди. Даромад ва фойда олиш ёмон эмас. Шу туфайли ўтган саккиз ой мобайнида қатор хайрли ишларни амалга оширдик. Халқимизнинг севимли байрами Наврўз жамғармасига 15 минг сўм пул ўтказдик, масжид қурилиши учун 500 дона шифер бепул ажратилди. Табиий офатдан зарар кўрган районлар учун текин шифер ва қувур маҳсулотлари юборилди, булар пулга чақилганда 1,5 миллион сўмликни ташкил этади. Оҳангарондаги қариялар уйига 25 минг сўм ажратдик, кечки ишчи-ёшлар мактаби учун 100 дона шифер бердик. 12 болалар боғчасига эса 18 минг сўмлик жиҳозлар сотиб олиб берилди. Ишчи-хизматчиларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш мақсадида шаҳарнинг 50-даҳасида 60 хонадонли турар-жой биноси қурилаяпти.

Корхонамизда ички интизомни мустаҳкамлаш, маҳсулотнинг талон-тарож бўлиб кетишига йўл қўймаслик жуда муҳим иш. Биз шуни ҳисобга олиб, назорат ишларини кучайтириш учун ички ишлар бўлими ходимларини жалб этдик. Бунинг учун 650 минг сўм пул ажратдик.

Маълумки, шифер цехи 1962 йилда ишга туширилган эди. Ўттиз йилдан бери бетиним ишлаётган дастгоҳлар, линиялар, машиналар эскирди. Олдимизда турган асосий вазифа — қайта қуришни амалга ошириш, янги техникани тадбиқ этишдир. Яна бир муҳим вазифа — меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, барча иш участкаларида режа сўзсиз бажарилиши учун ҳамма имкониятларни сафарбар этишдир.

Шу ўринда меҳнат илғорларининг номларини айтиб ўтиш жоиздир. Биз шифер цехининг пешқадамлари У. Марасулов, Б. Тўрақулов, Ғ. Ўринбоев, К. Смирнов кабилар билан чексиз фахрланамиз. Бундай илғорларнинг сафи тобора кўпайиб бораяпти. Ютуқларимизнинг энг асосий боиси инсон омилида, деб тушунамиз. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи кескин оширилди, моддий манфаатдорлик ортди, маданий-маиший хизматни яхшилаш борасида изланаяпмиз. Чотқол тизмалари бағрида яратилаётган дам олиш зонамиз хушманзара оромгоҳга айланади.

— Корхонада ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Ишчининг уйидан кўнгли тўқ бўлса ишдаги унуми ҳам беқиёс бўлади. Бизда ҳозир ўртача ойлик 5410 сўм. Ўзбекистон мустақиллиги кунининг бир йиллиги муносабати билан жамоа аъзоларига 1000-2000 сўмдан мукофот пули берилди. Ижарачиларнинг мактабда ўқиётган ҳар бир ўғил-қизига 1000 сўмдан мукофот пули берилди. Бошқача қилиб айтганда, оилада 4 та ўқувчи бўлса 4000 сўм пул ажратилди. Шиферчиларга ҳар куни тушлик учун 22 сўмдан пул берилаяпти. Сартарош, этикдўз ва чеварларимиз ҳам улар хизматида. Яна қатор маиший хизмат жойлари қуришни мўлжаллаб турибмиз.

Бизнинг шиоримиз — ишбилармонлик ва тадбиркорликдир. Биз мана шундай кишилар меҳнати билан қурилиш ташкилотларига ва буюртмачиларга 205 миллион шартли плита шифер етказиб берамиз. Бу режа шубҳасиз зиёдаси билан уддаланади. Буюртмачиларга қўшимча шартли 10 миллионта шифер жўнатиш ниятимиз ҳам бор. Албатта, унга эришамиз.

• *92-йил ҲОСИЛИ* •

БИЗ СИЗДАН МИННАТДОРМИЗ, ҲАШАРЧИЛАР

Зангиоталик ҳашарчилар пахта далаларида астойдил меҳнат қилиб таҳсинга сазовор бўлдилар.

ПАХТА терими қизғин дамлар эди. Зангиоталик меҳнаткашларнинг ҳам пахта далаларига ҳашарга отланганлигини эшитган бир гуруҳ фахрийлар ҳоким — Жамил Маликов олдига келишди. Биз ҳам борсак, деб айтишди. Аввалига ҳоким нима дейишини билмай, бироз жим бўлиб қолди. Йўқе, отахонлар, ўз вақтида сизларнинг ҳар бирингиз хизматни қойилмақом қилиб қўйгансизлар. Фарзандларингиз, невараларингиз ҳашар қилишяпти, шунинг ўзи етади, деманг, — деди ҳоким.

— Яхши ўйлабсизлар, — деди Жамил Маликов, — нафсиламбирини айтганда сизларнинг у ерга бориб терадиган пахталарингиз эмас, эгат оралаб, белга этак боғлаб юришларингизни ўзи катта мадад бўлади.

— Гапингиз тўғрику-я, — деди отахонлардан бири, — лекин ҳаракат қилсак, бир йигитчалик пахта териб берамиз, қўлимиздан келади.

Енгил кулгу кўтарилди.

— Ундай бўлса жуда соз, оқ йўл, сизларга!

Шундай қилиб, район фахрийлар кенгаши раиси Убайдулла ака Абдуллаев бошлиқ Қатортол, Эркинқишлоқ шўроси, Эшонгузар қўрғони ҳудудларида истиқомат қилувчи 52 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари Янгийўл районидаги «Тинчлик» жамоа хўжалигига йўл олдилар. Хўжалик раиси Маҳмуд ака Исматов уларни ғоятда хушнудлик билан кутиб олди.

Фахрийлар жамоа хўжалигининг 20-бригадасига бордилар. Белларига этак боғлаб, баҳоли қудрат теримда қатнаша бошладилар. Ўша куни биз ҳам фахрийлар ҳузурида бўлгандик.

— Пахта бизнинг нонимиз, насибамиз, — деганди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Мансур ака Очилов, — деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирган бу бойликни сўнгги килограммларигача ерда қолдирмай йиғиб-териб олишда уларга ёрдам бермасак, кўнглимиз ўрнига тушмайди.

Биз ўша куни пахтазорда эгат оралаб, пахта тераётган фахрийлар: узоқ йиллар жамоа хўжалигига раислик қилиб, эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўлган, катта обрў орттирган Қўчқорхўжа ака Умаров, шунингдек, Собир ака Назировларни ҳам учратдик. Улар ўз тенгдошлари Қаюм ака Азимов, Маҳмуд Иброҳимов, Қосим Алимовлар билан ёнма-ён пахта теришарди. Ватан уруши қатнашчилари Турдиали ота Қуролов, Абдумажид Ҳакимов, Сайдалихўжа Ҳужаев каби мўътабар кишилар ҳам енг шимариб ишлашарди. Ғаффорхўжа Қаюмов, Файзираҳмон Шоқиров, Исмоғил Каримов, Маҳмуд Худоёров, Абдусамад Абдуллаев, Муртазобек Исломбеков сингари фахрийларнинг ҳар бири баҳоли қудрат хирмонга ҳисса қўшдилар.

— Туманимизда, — дейди фахрийлар кенгаши раиси, — 12 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари бор. Ҳокимият ҳозирги бозор иқтисоди шароитида бизларга катта ёрдам бермоқда. Кўнглимизни кўтариб, кайфиятимизни чоғ этиш учун ҳамма имкониятларни яратиб бераётир. Бизлар учун жойларда махсус савдо дўконлари очиб қўйилган ва улар ишлаб турибди. Фахрийлар шу йилнинг ўзида Туркистон, Фарғона водийси бўйлаб, Самарқанд-у Бухорога сафар қилиб қайтдилар. Бундай ғамхўрликка жавобан биз қўлдан келганча умумхалқ ишига қарашишимиз керак-да, ахир...

Биз далада туман ҳокимининг ўринбосари Облоқул Жўраев билан ҳам суҳбатлашдик.

— Фахрийлар ташаббуси бошқаларни ҳам унумли меҳнат қилишга ундади, — деди О. Жўраев, — Туманимиздан пахтакорларга кўмак беришга отланган ҳашарчилар вилоятимизнинг Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл районларида теримда фаол иштирок этдилар. Уларнинг меҳнати самарали бўлди. Туман ўқитувчилари ва қишлоқ хўжалик техникуми талабалари Оққўрғон райони далаларида ишлаб 670 тонна, «Ўзбекистон», «Назарбек», «Туркистон», «Наврўз» жамоа хўжаликлари, геологияқидирув экспедицияси ходимлари Чиноз районида 30 тонна, 38-, 42-, 43-, 44-, 33-, 21-, 16-мактаб ўқитувчилари Янгийўл районида меҳнат қилиб, 150 тоннадан зиёд пахта териб бердилар. Ҳамма ерда уларга яхши шароитлар яратилди. Иззат-ҳурмат кўрсатилди. Жумладан, меҳнат фахрийларига қўй сўйиб, ош қилиб бердик. Туман ҳокими Ж. Маликов, «Тинчлик» жамоа хўжалиги раиси М. Исматовлар фахрийларнинг камтарона меҳнатлари учун чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

Х. ШАРИПОВ,
Зангиота туман «Истиқлол» рўзномаси бўлими мудири.

БЕМОРЛАРГА ВА ЁЛҒИЗЛАРГА ЁРДАМ

Ўрта Осиё темир йўли ходимлари Республика Қизил ярим ой жамиятининг жамғармасига беш миллион сўмга яқин пул ўтказдилар. Улар 1 декабрда бошланган шу ташкилотга ёрдам учун маблағ тўплаш ўн кунлигида фаол қатнашмоқдалар.

Шу кунларда жамият жамғармасига саноат корхоналари ва муассасаларидан, хусусий кишилардан кўплаб хайр-эҳсон тушмоқда. Уларни ёлғиз ва бемор кишиларга, пенсионерларга, ногиронларга ва кўп болали оналарга ёрдам бериш туйғуси бирлаштирмоқда.

(ЎзА мухбири).



● **СИЗ ушбу суратда кўриб турган Машкура Иброҳимова ва Зулайҳо Жўраевалар Тошкент чинни заводининг бадиий буюмлар лабораториясида ишлашади. Улар якка буюртмаларни бажарадилар. Мижозлар моҳир чиннисозларнинг меҳнатидан мамнун бўлишяпти. Улар барча буюртмаларни муддатида ва сифатли адо этмоқдалар.**

Сураткаш Е. Ботиров.

БУГУН МЕТАЛЛ ЗАВОДИДА

ХОРИЖИЙ МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

● БЕКОБОД металлургия заводи саноат шу тармоғининг Ўрта Осиёдаги ягона корхонаси ҳисобланади. Унинг маҳсулотлари бўлган тунука, арматура, қувурлар, сирланган идишларга талаб тобора ортиб бормоқда. Ҳар куни корхона дарвозасидан миллионларча сўмлик шундай харидоргир маҳсулотлар ортилган темир йўл вагонлари, автомашиналар асосан республикамизнинг, шунингдек қатор чегарадош мустақил давлатларнинг шаҳар-қишлоқлари томон йўл олмоқда.

Шуниси тақдирга сазоворки, маҳсулот сифатини яхшилашда ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Чунки кейинги йилларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш қатори технология жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-техникавий тадбирлар кўпроқ амалга оширилмоқда. Бу билан халқаро бозорга чиқиш имкони ҳам вужудга келаяпти. Корхона жамоаси хорижий мижозлар излашга астойдил киришганлиги учун уларнинг сафи ортиб бормоқда.

Металлурглар маҳсулотлари анчадан бери Кипр республикасига юбориб турилибди. Исроил давлати ҳам мижозлар сафига қўшилган. Яқиндан бошлаб Япониядагилар ҳам бекободликлар маҳсулотига харидор бўлди. Жумладан, жаҳонга машҳур «Тойота» корпорацияси раҳбарлиги ҳам корхона жамоаси билан иқтисодий алоқа боғлашга қарор қилганлигини билдирди. Бундан олдин у металлургия заводида ишлаб чиқарилаётган айрим пўлат маҳсулотлари намунасини олиб, амалда синаб кўрди. Сифати, чидамлилиги юксак техникавий талабларга жавоб бергач, шундай хулосага келинди. Ҳа, қўли қадоқ, меҳригиё металлургларимиз қўйган пўлат «Тойота» автомашиналарини ишлаб чиқаришда фойдаланиши улар маҳоратини янада оширади, халқаро миқёсда мижозлари кўпайишига, демак хориж билан иқтисодий алоқалар ривожланишига ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида корхона ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, илғор технологияни жорий қилиш, ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза этиш ишларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши билан диққатга сазовордир.

ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

● Металлургия заводи ишлаб чиқариши атроф-муҳитни ифлослантирувчи йирик манбалардан ҳисобланади. Ҳар йили атмосферага минг-минг тонналаб тутун, ис чиқарилади, ҳали ҳам оқаваларнинг айрим қисми етарли тозаланмайди. Бундан ташқари, бевосита ишлаб чиқаришнинг қаттиқ чиқиндилари ҳам чиқарилмоқда.

Кейинги йилларда бу соҳадаги аҳволни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор кучайди. Бу етарли бўлмаса ҳам, ўз самарасини бермоқда. Буни шлак мисолида ҳам кўрса бўлади. Пўлатни печда эритиш давомида кўплаб шундай чиқинди чиқади. Илгари унинг ҳаммаси корхонада ажратилган махсус жойга тўкиларди. Ваҳоланки, унинг таркибида ҳатто металл ҳам бўлади.

Завод раҳбарлиги шу қимматли хом ашёнинг бекор исроф бўлишининг олдини олиш йўлини излаб топишга астойдил киришди. Бунинг учун зарур технология жараёни ҳам жорий қилинди. Қатор илмий-тадқиқот институтлари ва корхона мутахассисларининг ҳамкорлиги билан қисқа муддат ичида махсус участка юзага келди. Унда ўрнатилган асбоб-ускуналар билан пўлат эритиш давомида ҳосил бўладиган ва шу вақтгача ташланиб келинган шлакларни қайта ишлаш ўзлаштирилди.

Янги технология асосида шлак таркибида қолиб кетадиган металлни ажратиб олиш йўлга қўйилди. Ўқайтадан эритилиб, арматуралар, тунукалар, қувурлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиляпти. Иккиламчи чиқинди ҳисобланган шлак ҳам нобуд бўлмаяпти. Ундан ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Бу тадбир корхонага дурустгина иқтисодий самара беришдан ташқари, атроф-муҳитнинг ифлосланишини озгина бўлса ҳам камайтириш имконини вужудга келтирди. Тайёрланаётган ғишт эса корхонанинг якка тартибда қурилаётган ишчи-хизмат кўрсатиш комбинатининг ўзида ишлатилади. Ғишт ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилганига ўқ. Энг муҳими улар атроф-муҳитга тарқамаяпти, табиатни заҳарламаяпти. Қайта ишлаш учун эса зарур асбоб-ускуналари бўлган Уралдаги турдош корхоналарга юборилмоқда. Бу ерда ундан окатиш ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотдан электр билан пўлат эритиш жараёнида кенг фойдаланилади. Ҳозир йилига уч юз тоннадан то етти юз тоннагача чиқинди тўпланиб, қайта ишлаш учун юборилиши мумкин. Бошқа ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш муаммосини ҳал қилиш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Унинг янги-янги самаралар беришига ишонса бўлади.

«ҚУЗИҚОРИН ЎЗИМИЗДАН...»

● ИШЧИЛАР ошхонасидаги таомномада қўзиқорин солинган овқатлар рўйхати ҳам пайдо бўлиб қолганида кўпчилик ҳайрон бўлгани йўқ. Чунки, улар шундай бўлишини билар эдилар. Бироқ айрим ишчи-хизматчиларнинг бундан хабари йўқ экан шекилли, бир-бирларига саволнамо қараб қўйишди. Бундай тансиқ таом пайдо бўлиши сабабларини билолмай ҳайрон бўлдилар. Шунда билганлар «қўзиқорин ўзимиздан, ертўлада етиштириляпти», деб қўйдилар. Улар ҳақиқатни айтишган эди.

Заводдаги айрим бинолар тагида ертўлалар бўлиб, уларда қандайдир қақир-қуқурлар қалаштириб ташланган, айримлари ҳар эҳтимолга қарши бўм-бўш ётарди. Ишқибозлар шундай ертўлаларнинг бирини қўзиқорин етиштиришга мосладилар. Аввало жовонлар ясаб ўрнатишди. Улар устига қипиқ, пайраҳа, похол ва бошқа шу каби юмшоқ нарсалар билан тўлдирилган яшиклар, брак бўлган, ташлаб юборишдан бошқа нарсага ярамайдиган сирли кастрюллар, чойнаклар, тоғораларни териб қўйишди. Улар ичига эса қўзиқорин уруғларини экдилар. Ертўлада қўзиқориннинг ўсиши учун мос намли мўътадил ҳаво доим сақланади. Орадан бирнеча ой ўтгач, ҳосилни териб олишга киришдилар. Унинг дастлабкиси ишчилар ошхоналарига, корхонага қарашли болалар боғчалари ва яслиларига етказиб берилди. Истаганлар нақд пулга ҳам сотиб олишлари мумкин.

Шундай қилиб металлургия заводининг яна бир бўлинмаси — қўзиқорин цехи маҳсулот бера бошлади. Унда бундай тансиқ хуштаъм маҳсулот етиштириш кўпайиб бораверади, демак металлурглар оилалари дастурхони яна бир таом ҳисобига бойийди. Ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида бу ҳам харнада.

М. МАҲМУДОВ.

ДАЛА ИШҚИ

ҚИШЛОҚДА туғилиб ўсиб, вояга етган одамни кейинчалик у қайси касбни танламасин, барибир, охир оқибатда дала ишқи — меҳри ўзига тортаверади. Зиёдулла билан ҳам унинг ҳаётида ана шундай ҳолат юз берди. Хўжаликда узоқ йил бош бухгалтер бўлиб ишлаган отаси бешта фарзандидан биронтаси ҳам унинг изидан бормаганлиги, деҳқончиликка ихлос қилмаганлигидан баъзида афсусланарди. Зиёдулла бу пайтда хўжаликда механик-шофер бўлиб ишларди. Лекин қўшниси, таниқли пахтакор Ўроқбой ака Ақлбоев билан ҳар гал мулоқотда бўлиб, унинг далачиликдаги ишларидан завқ билан сўзлаган ҳикояларини эшитиб, ўзича мен ҳам деҳқончилик қилсаммикин-а, қачонгача темиртерсак ичида ўралашиб юраман, деб мулоҳаза ҳам қилиб қўярди.

Унинг кўнглидаги бу фикрини отаси ўқиб олганидек, бир куни ёнига чақириб олиб шундай деди, «битталарнинг олдимда юрсаларинг бўлмайдими, болам».

Анча кексайиб қолган отанинг бу гапи Зиёдуллага кор қилди. Шунинг учун ҳам у 1981 йилда армия хизматидан қайтгач, тўғри Ўроқбой аканинг даласига қараб йўл олди.

— Яхши ўйлабсан, болам, — деди Ўроқбой ака, — агар йўқ демасанг, сувчилик қил. Бу ўта нозик касб. Пахтани бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам сувчи. Қўлимдан келадими, уддалай оламанми, деган хаёлга борма. Ўзим ҳамиша ёнингда бўламан. Ўргатаман.

Бу гап Зиёдуллага ҳам маъқул келди. Ўша кундан бошлаб сувчилик қила бошлади. Устози ҳамиша унинг ёнида бўлди, билмаганларини ўргатди. Уч-тўрт йилда Зиёдулла бинойидек деҳқон, пахтакор бўлиб олди. 1989 йилда Ўроқбой ака фахрийликка чиқди. Бригада жамоаси Зиёдуллани ўзларига етакчиликка танлашди. Қолаверса, Ўроқбой аканинг нияти ҳам шундай эди.

Ана шундан буён у бригадани моҳирлик билан бошқариб келмоқда. Ҳар йили режаларини ошириб ўринлайди. Лекин осон бўлаётгани йўқ. Чунки Зиёдулла жамоасига тегишли ерларнинг «ҳолати» бўлакча. Қора тупроқли, сизот суви яқин. Сув кўпайганда қора шўр чиқиб кетади. Бироқ у кўзга кўринмайди. Ана шунисидан эҳтиёт бўлиш керак. Агар эҳтиётсизлик қилинмаса, ниҳолларнинг қирилиб, нобуд бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ёмғирдан сўнг, айниқса, шўр кучини кўрсатади. Шу туфайли гўза бир сув ичмагунча яганага киришмайдилар. Сувдан кейин ниҳолларнинг сараги-саракка, пучаги-пучакка чиқади. Ягана ана шунга қараб ўтказилиши керак. Ҳар гектарида қўшимчаси билан 100—110 минг туп кўчат қолдирилишини қатъий эдат қилиб олишган.

Зиёдулла ҳам, унинг шогирдлари ёш сувчилар Сафарали Оқжулов, Тоҳир Абдиев, Ҳасан Абдураҳмонов, Улуғбек Пернебеков, механизаторлар Жумағали Абдураҳмонов, Жалғас Болатоевлар ҳам ҳар бир тадбирни амалга оширишда ернинг ана шу «феъл-атвори»ни ҳисобга олиб иш юритишмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар қандай қийин шароитда чигит экиш, ундириб олиш, кўчатларни бутлаш, гўза парвариши ишлари сифатли ва оби-тобида ўтказилади ва мўлжалдаги ҳосил етиштирилади.

Бундан ташқари алмашлаб экишга катта аҳамият берилади. Бу йил ҳам ана шу зайлда иш олиб борилди ва мўл ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказган бригада деҳқонлари 20 октябрдаёқ режаларини ошириб бажардилар. 74 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил олинди. Механизаторлар Жумағали Абдураҳмонов, Жалғас Болатоевларнинг ҳар бири 110—120 тоннадан пахта теришди.

Биз борган кунимиз Зиёдулла бир гуруҳ деҳқонлар билан сабзавот даласида меҳнат қилаётган эди. Бу ерда пахта билан бир қатордa ярим гектар ерда сабзи етиштирилганлиги ва ундан ҳам юқори ҳосил олинаётганлигини билиб олдик. Пахта экилган майдонларнинг бир қисми тозалаб бўлинибди. Шудгорга ҳам киришилган.

Ҳозиргача 225 тонна пахта топширдик, деб айтганди ўшанда Зиёдулла. Яна 20 тонна пахта топширамиз. Қанча тезроқ йиғиб-териб олсак, ўзимизга шунчалик фойда бўлади.

Районда режа бажарилиши муносабати билан биз телефон орқали «Янги ҳаёт» хўжалиги билан боғландик. Зиёдулланинг ишлари қандай, терим якунландими, қўшимча пахта ҳам териб олиндими, деб қизиқдик.

— Айтмовмидим, сизга, — деб айтди раис Ваҳоб ака, — Зиёдулла бир сўзли йигит деб.

Хўжаликда бир сўзли пахтакорлар, деҳқонлар кўпчиликни ташкил этади. Улар эришган ютуқларининг «сир»и ҳам шундадир.

Н. ИСАЕВ.

ТАҲРИРИЯТ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

САВОЛЛАРГА ҲУҚУҚШУНОС А. ҲАСАНОВ ЖАВОБ БЕРАДИ

• *Сўраган эдингиз...*

САВОЛ: Мен иккинчи гуруҳ ногиронини ҳисобланаман. Истиқомат қилаётган хонадоним эса идорага қарашли (ведомственний) ҳисобланади. Айтинг-чи, белгиланган тартибга кўра уй бепул менинг номимга ўтказилиши мумкинми? Хуллас, кимларга бундай уйлар имтиёзли ўтказилади?

А. МАЗИЕВ,
Ангрен шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг уй-жойларни хусусийлаштириш муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашга оид қўшимча тадбирлар тўғрисида эълон қилинган фармонининг ҳаётга татбиқ қилиш ҳақида Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 2 октябрда 455-сонли қарор қабул қилди. Унга кўра ўзлари яшаб турган хонадон (квартира) ва айрим уйларни фуқароларга (ушбу уйларни қандай идорага тегишлигидан қатъий назар) шахсий мулк сифатида бепул ўтказиб берилиши имтиёзидан қуйидагилар фойдаланади:

— ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилалари;

— I-гуруҳ кўзи ожиз ногирон бўлганлар оилалари;

— 18 ёшга тўлмаган 7 ва ундан ортиқ бола туққан кўп болали оилалар;

— ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронлар;

— 30-50-йилларда қатағонга учраган ва ҳозирги вақтда оқланган оилалар;

шунингдек Чернобил фалокатини бартараф қилишда қатнашган аъзоси бўлган оилалар.

САВОЛ: Ариза билан юқори ташкилотга мурожаат қилган эдик. Мана, бир неча ой бўлдики, ҳали ҳам жавобини олганимиз йўқ. Айтингчи мутасадди раҳбарлар қайси муддат ичида жавоб беришлари лозим.

А. РАШИДОВ,
Тошкент райони.

ЖАВОБ: Ҳар бир фуқаро, у ким бўлишидан қатъий назар, ўз манфаатини кўзловчи ариза ва шикоятлар билан юқори раҳбар органларга мурожаат қилишга ҳақли. Бундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан тасдиқлаб қўйилган (Ўзбекистон Конституцияси, 56-модда). Ариза (шикоят)га муаллифнинг исм-фамилияси ёзилган ва имзо чекилган бўлиши шарт. Шундай бўлмаса, юмалоқ хат тусини олиб кўрилмай қолдирилади.

Шикоят бир ой муддат ичида кўриб чиқилиши лозим. Қўшимча текшириш ва аниқлашлар талаб қилмайдиган шикоятлар зудлик билан, аммо 15 кундан ошмаган муҳлатда кўриб чиқилиши шарт.

САВОЛ: Мен ижодий ходим бўлганим учун ҳозир оилам турган квартира номимга бепул хусусийлаштирилиши мумкин экан. Ҳокимиятга бориб учрашсам рўйхатга кўра сиз бепул уйни олмайсиз, дейишди. Матбуот ходимларидан кимлар бундай имтиёздан фойдаланишлари мумкин. Ижодкор ходимларга қандай уюшмалар киради?

Ф. ЕДГОРОВ,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган тиббиёт ва ижодкор ходимлар ва уларга тенглаштирилган айрим тоифадаги мутахассисларга, шунингдек, кўрсатилган тоифаларга мансуб бўлган ва ўн йиллик узлуксиз меҳнат стажига эга нафақахўрларга улар яшаб турган давлат ва идораларга тегишли уйлар ва хонадонлар текинга шахсий мулк қилиб берилади. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 августдаги қарори мавжуд. Ушбу қарордаги рўйхатга кўра ёзувчилар уюшмаси, журналистлар уюшмаси, кинематографчилар, дизайнерлар, меъморлар, композиторлар, рассомлар, театр арбоблари уюшмалари ва мусиқачилар жамияти ходимлари уй (хонадон)ни хусусийлаштиришда имтиёздан фойдаланадилар.

Матбуот ходимлари яъни матбуот бирлашмаларининг бош директорлари, нашриётларининг директорлари, уларнинг муовинлари бош муҳаррир, унинг ўринбосарлари, катта муҳаррир, илмий муҳаррир, унинг ўринбосарлари, муҳаррир-рассом, бош рассом, катта рассом, муҳарририят мудири, масъул котиб, бўлим мудири, мухбир, фотомухбир, таржимон, адабий ходим, саҳифаларни нашр этилишини назорат қилувчи ходимлар ҳам имтиёзли тартибда қилинадиган мутахассислар тоифалари рўйхатига киритилганлар.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

Душанба, 14. XII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театрининг якқахони Асадулла Холиқов куйлайди.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Дала юмушлари.
19.50 «Унвон муборак». Адабий-мусиқий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Мерос». Ҳайратий.
21.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.25 «Ёлғиз ўзи қуролсиз борди». Бадиий фильм.
23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 Дала ҳовли эгалари учун.
20.45 «Зиёкор».
21.15 «Билиб қўйган яхши».
21.30 Ёш эстрада хонандаларининг Ботир Зокиров номли республика танлови.
22.40 «Лаҳза». Хабарлар.
22.50 Ёш эстрада хонандаларининг Ботир Зокиров номли республика танлови (давоми).

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Тинглаб, томоша қилинг».
9.40 «Нима! Қаерда! Қачон!».
10.45 «Аншлаг. Аншлаг». Владимир Винокур.
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Пи» белгиси билан».
13.00 «Янги авлод танлайди».
* * *
15.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
15.20 «Телемикст».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Финал. Германиядан кўрсатилади.
18.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
18.20 «Технодром».
18.30 «Иқболи кулганда».
19.10 Футбол шарҳи.
19.40 Ю. Панич. «Уйга олиб борадиган йўл». «Нима эксанг...».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 11-серия.

«Янги студия»
таништиради:
22.10 «Бомонд».
22.25 «Бироқ».
22.35 «Федерико каталоги».
22.55 «Вазият».
23.25 «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар дав-
ри.
8.50 Александр Янов «Нота бене» студиясида.
9.35 «Бола тилидан...».
10.15 «Сахалин мумбоги».
10.50 «Сатирикон» студияси. «Кулишга топган вақтингизни қаранг».
11.40 Кундузги сеанс. «Ха-ви-
асси». Бадиий фильм.
13.00 «Репортёр».
13.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.25 «Телебиржа».
15.55 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Европа—Осиё».
17.40 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Душанба куни детектив. «Штемп». Бадиий фильм.
23.50 «Уйга олиб борадиган узундан-узоқ йўл». Ҳужжатли фильм.

Сешанба, 15. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Мусиқий жилолар». Фильм-концерт.
7.55 «Утган кунлар». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 «Тошларда акс этган дунё». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электродинамиканинг асосий қонунлари ва улардан фойдаланиш.
11.00 Шоирлар — болаларга.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. Натурал сонларни кўпайтириш ва бўлиш.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хўтикча», «Кийикча». Мультфильмлар.
18.25 «Спортлото».
18.30 «Чорвадор».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сиҳат-саломатлик».
19.55 Мусиқий спектакллардан парчалар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ўзбекистоннинг Олий қонуни.
21.30 «Учрашув». Санъаткорлар меҳнаткашлар ҳузурида.
22.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
23.00 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 1-серия.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Суҳбатга чорлаймиз».
19.20 Камер оркестрининг концерти.
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Канада телевидениеси).
10.10 Футбол шарҳи.
10.40 «Янги номлар».
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 11-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Игорь Саввович». Уч серияли телевизион бадиий фильм (Довженко номли киностудия). 1-серия.
13.25 «Қурбақа-малика». Мультфильм.
13.55 «Бегона». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
15.25 Ишбилармон кишилар хабарномаси.
15.40 «Ён дафтар».
15.45 Р. Шчедрин. «Кучук етаклаган хоним» балетидан куйлар.
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Янги номлар».
17.50 «Ойдаралик дарвеш». Телефильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Ҳудуд». Ямал-ненец территориал округи ҳақида 2-кўрсатув.
19.00 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Австралия).
19.50 «Миниатюра».
20.00 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Армавир». Бадиий фильм.
23.40 «Мусиқий мозайка».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Ҳарбий ревю».
01.10 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Қор — қисматим». (Норильск. Йиллар. Одамлар). Кўп серияли телефильм. 2-серия.
9.45 «Варнацияли мавзу».
11.15 Кундузги сеанс. «Кукарача». Бадиий фильм.
12.45 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.50 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.10 «Штемп». Бадиий фильм.
* * *
15.55 «Телебиржа».
16.25 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Асил ҳолича».
23.25 Сиёсат майдонида.
00.20 «Арт-обстрел».

Чоршанба, 16. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Лагич». Телефильм.
7.50 «Мимино». Бадиий фильм.
9.20 Турк тили.
9.50 «Ёшлик» студияси савол-
ларингизга жавоб беради.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Алгоритм ва унинг хоссалари.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Бизнинг уй». Мультфильм.
18.15 «Футбол майдонларида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Ҳукумат тадбирлари.
19.55 Лирик концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Қутлов». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўпламн.
19.20 «Спринт».
19.40 Уй-жойларни хусусийлаштириш ҳақида.
20.40 «Билим сарчашмалари».
21.10 «Суперспорт».
21.55 «Ҳамдўстлик саҳифалари». «Насриддин Бухорода» фильмининг 50 йиллигига.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 19.00, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.10 «Бизнинг мусиқий клуб».
10.50 «Алпомиш-ботир». Мультфильм.
11.10 «Отрар сози» фольклор-этнографик оркестрининг концерти.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Игорь Саввович». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.30 «Игорь юриши ҳақида қисса». Мультфильм.
13.55 «Қадрдон даштлар». Телевизион бадиий фильм (Қозоқфильм).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Энши балапан» — куйловчи жўжа». Қозоғистондан болалар учун кўрсатув.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
18.20 Қозоғистоннинг Давлат байрами —Республика куниға. «Бугунги Қозоғистон». Телеочерк.
18.40 Қозоғистон Республикасининг Президенти Н. А. Назарбоев сўзи.
19.05 «Эдемга қайтиш». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
19.55 Қозоғистон санъат усталарининг концерти.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Дахлдорлик». Бадиий фильм (Қозоқфильм).
22.40 Телевизион танишув. Урмас Отт Михаил Горбачев билан суҳбатлашади.
23.40 Қадимий рус романсларини А. Эйзен куйлайди.
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
01.10 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 Сиёсат майдонида.
9.50 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
10.20 «Альбуцид». Ахборот-аналитик кўрсатув.
11.10 «Германия — университетлар макони».
11.40 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 112-серия.
12.30 Трансросэфир. «Туманган».
13.15 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.50 «Бизнес: янги номлар».
16.05 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.25 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
17.40 Парламент хабарномаси.
17.55 Эълонлар.

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».

*
23.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Пайшанба, 17. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Шермат Файзуллаев куйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
9.20 Араб тили.
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Анъана ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мюнхаузеннинг саргузаштлари». Мультфильм.
18.30 «Оқибатли бўлайлик».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
19.40 «Кумуш яримой». I Ашғабат халқаро кинофестивали.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Ёш аёл учун эркак». Бадиий фильм.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Ун йилдан сўнг...».
19.50 Мусиқали танаффус.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пуяьс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Кидди-Видди».
9.35 «Империя». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.25 «Театр учрашувлари».
11.05 «Айболит ва Бармалей». Мультфильм.
11.20 «Агидель-92». Уфада эстрада қўшиқлари энг яхши ижрочиларининг Бутунроссия танлови.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Игорь Саввович». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
13.30 «Аргонавтлар». Мультфильм.
13.50 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (Свердловск киностудияси).
*
15.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.45 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
18.25 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Ёлловчи». Бадиий фильм («Ментор синема» киностудияси).
19.55 «Соло».
20.25 Хоккей. «Известия» газетасининг соврини учун халқаро турнир. Россия-1 — ЧСФР терма командалари. МАСК Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Биринчи танаффус (21.05) —Хайрли тун, кичкинтойлар! Иккинчи танаффус (22.00) —Янгиликлар.
23.00 «Ибодатхонага олиб борадиган сўқмоқ». Телефильм.
23.35 «Исмларингиз нималарни англатади?». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.40 «Империя». Кўп серияли телевизионбадиий фильм. 3-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Асил ҳолича».
9.45 Мульти-пульти.
9.55 «Осойишталик № 9».
10.55 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 113-серия.
11.45 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
12.15 «Параллеллар».
12.30 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.35 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.55 Д. Россини Евгений Колобовнинг янги операсида.
13.15 «Фитиль-видео». «Қирол».
* * *
16.05 «Терминал».
16.35 «Рост» студияси. «Жониворлар театри». 1-қисм.
17.05 Янгиликлар.
17.20 Эълонлар.
17.25 Кипрас Мажейка. НАТО-дан репортажлар.
17.55 Эълонлар.

*
18.00—21.00
ГУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 «Осойишта уй».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
23.00 «Осойишта уй» (давоми).
24.00 Балет-видео. Ш. Калош. «Макбет». Н. Боярчиков саҳналаштирган.

Жума, 18. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Медео рицарлари», «Қорли чўққилар», «Бефарқ бўлолмайман». Телефильмлар.
8.15 «Ёлғиз ўзи қуролсиз борди». Бадиий фильм.
9.30 Инглиз тили.
10.00 «Бола бошидан...».
10.40 «Саноатимиз одимлари».
11.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.35 «Ҳамкорлик ришталари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Фермерлар». Телефильм.
19.40 «Фанга бағишланган умр». Академик Жўра Сандов. Видеофильм премьераси.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 «Деҳқон ва замон».
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Хотира». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
18.05 «Уч қурбақа». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Жер тагдыры эл тагдыры».
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Миллионду кантип табуу керек!».
19.40 «Орт — тилсиз жоо».
20.10 «Кечки кеп».
21.00 «Ала-Тоо».
21.20 «Аюб-тоонун абалы».
21.35 «Фитна». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
10.50 «Пётр Богомазов. Старт ва финиш оралиғида». Ростов-Дондан кўрсатилади.
11.30 «Америка М. Таратута билан».
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Ай лав ю, Петрович». Телевизион бадиий фильм (Одесса киностудияси).
13.55 «Номсиз юлдуз». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
*
15.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.35 «Марказ».
17.05 «Марҳабо, рус қиши!». «Останкино» телерадиокомпанияси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
17.45 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо тар-
жимаси билан).
18.25 «Ватан овози». Немис маданияти фестивали маршрутлари бўйлаб.
18.50 «Инсон ва қонун».
19.15 «Америка М. Таратута билан».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да «Найзали фаришталар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Линда» телесериалидан (Венгрия телевидениеси).
22.30 «Миниатюра».
«ВИД» таништиради:
22.45 «Сиёсий бюро».
23.20 «Музобоз».
00.35 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
00.50 «Хит-конвейер». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
01.50 «Ай лав ю, Петрович». Телевизион бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Осойишта уй».
10.50 «Параллеллар».
11.05 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.
12.05 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 114-серия.
12.55 Кипрас Мажейка. НАТО-дан репортажлар.
13.25 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
* * *
15.40 «Телебиржа».
16.10 «Рост» студияси. «Жониворлар театри». 2-қисм.
16.40 Янгиликлар.
16.55 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?» Телефильм (Австрия).
17.40 «М-трест».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.20 Жума кунлари Уолт Дисней. «Дональднинг машҳурлик касали».

*
20.10—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».

*
23.00—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 19. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
*
8.00 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Коннот гражданлари». Бадиий фильм.
9.10 Спорт кўрсатувлари: 1. «Умид». 2. Регби. Чемпионат якунлари ҳақида.
10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қўёш барчага баробар».
10.40 «Алифбо сабоқлари».
11.10 Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
11.45 «Эл тинчлиги йўлида».
12.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Менинг маҳаллам».
13.20 «Талабалик йилларим».
13.50 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Қўлни-қўлга бериб».
Тижорат канали:
14.30 «Тараққиёт одимлари».
14.45 «Чўлда камол топганлар».
* * *
18.00 «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм.
18.15 «Устоз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Таэквондо. Халқаро турнир. Санкт-Петербургдан кўрсатилади (ёзиб олинган).
19.50 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси қарорлари — ҳаётга!
21.30 «Садоқат». Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева.
22.10 «Эрга тегмангиз, қизлар». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
7.00—14.00
* * *
18.00—24.00
АШҒАБАТ КЎРСАТАДИ
● «ОРБИТА IV»
6.40, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.45 Эрталабки гимнастика.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 «Олтин сочмалари». Пермдан кўрсатилади.
9.55 Телефильм.
10.25 Экологик кўрсатув.
10.40 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф».
11.30 «Шанба кунги дастхат».
12.00 «Иш».
12.10 «Тиббиёт сиз учун».
12.50 «Олам дам олишда».
13.30 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 5-кўрсатув.
14.15 «Илҳом манбалари».
14.45 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Дракулито-вампирча». Кўп серияли мультфильм премьераси. 6-серия.
15.45 «Ҳайвонот оламида».
16.35 «АББГД ЛТД» телесериали. 9-серия.
17.05 «Қизил квадрат».
17.45 «Матадор».
18.55 «Қайт, Лумумба». Телевизион бадиий фильм премьераси (Таллинн-фильм).
20.15 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Самотлор».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 «Эстрада гардемаринлари». Сочидаги эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг I халқаро фестивали ҳақида.
22.50 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор» — «Автомобилист».
23.20 Хоккей. «Известия» газетасининг соврини учун халқаро турнир. Канада — Россия терма командалари. 3-давр. МАСК Спорт саройидан кўрсатилади.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Охирги киносеанс. «Алла». Бадиий фильм (Россия, Польша, Исроил биргаликдаги маҳсулоти).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мульти-пульти.
9.00 «Спорт оламн «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
9.30 «03» программаси.
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 Кундузги сеанс. «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 1-серия.

*
12.20—16.45
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
1. «Авлодлар».
2. «Дўстлик тароналари».
3. «Бир пиёла чой устида».
4. «Чисен» (корейс тилида).
5. «Умид» (уйғур тилида).
6. Мантаблардан дараклар.

*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.45 «Тилла шпора».
17.15 «Бола тилидан...».
17.45 Мульти-пульти.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «Маски-шоу».
18.50 Чегарасиз футбол.

*
19.45—22.00
ГУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Мутлақо маҳфий».

*
23.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Якшанба, 20. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Сув кетар, тош қолар». Телефильм.
7.30 Еш хонандалар «Камолот-90» Республика танловининг совриндори Тўлқин Ҳайдаров куйлайди.
*
8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми!». Бадиий фильм.
9.50 «Саломат бўлинг!».
10.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мушонра». Нодира тавалludининг 200 йиллигига.
11.05 Болалар учун. «Биргаликда куйлаймиз».
11.35 «Меҳр».
12.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
12.55 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.
13.20 «Дилраболар келсалар». Мусиқий кўрсатув.
14.00 Тижорат канали. «Оби ҳаёт». Фарғона «Водоканал» трести ҳақида.
* * *
18.00 «Кичкинтой» студияси кўрсатади.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Чимёнда бир кун». Телефильм.
19.30 «Актёрлар ва роллар». Санда Раметова.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.08 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Фарғона вилояти.
22.30 Ойнан жаҳонда биринчи марта. «Разолат». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.00—12.00 Қирғизистон телевиденнесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Бобок, сенинг жомогунг». «Болалар студиясининг меҳмонхонасида»; «Ҳамма, ҳаммага хайрли кун»; бадиий фильм; мультфильм.
* * *
18.05 Мультфильм.
18.30 Тижорат канали. Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт (рус тилида).
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Олтин куз». Абдрасул Осмоновнинг ижодий кечаси.
20.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 9-серия (рус тилида).
21.25 Қирғиз операсининг 50 йиллигига, Балет артистларининг концерти.

● «ОРБИТА IV»

6.20 Кўрсатувлар тартиби.
6.25 «Руҳни чиниқтириш».
7.25 «Спортлото» тиражи.
7.40 «Момиқ думли шайтонча». Мультфильм.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 23-серия.
10.45 «Янги авлод танлайди».
11.35 Киноҳақиқатми! «Қасам». Бадиий фильм (Тбилиси киностудияси, 1946 й.).
«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Саёҳатчилар клуби».
16.05 «Ҳунарли хор бўлмас».
16.10 «Уолт Дисней таништиради...».
17.00 Халқ куйлари.
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар.
19.00 Рукн премьераси: «Оба-На-Угол» томошалари.
19.50 «Анфиса». Москва «Современник» театри фильм-спектаклининг премьераси. Л. Андреева пьесаси.
21.55 Эълонлар.
*
22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
00.05 Янгиликлар.
00.20 Волейбол. Россия чемпионати. Эркаклар. «Самотлор»— «Динамо» (Москва вилояти).
00.50 Қўл жанги бўйича Россия чемпионати.
01.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали Ригадан «Қиёфадош кишилар знёфати» кўрсатувини таништиради.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.00 Хабарлар.
8.20 Мульти-пульти.
8.30 Ҳужжатли панорама.
9.20 «Қалит» кўрсатуви. «1812 йил моманлдироги». 12-фильм.
9.50 «Сиз яратган боғ».
10.20 «Қироллидаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 17-серия.
*
10.50—11.50
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
«Бурч» кўрсатуви.
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
11.50 Кундузги сеанс. «Шаҳризоданинг янги эртаклари». Бадиий фильм. 2-серия.

*
12.50—15.00
ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ
«ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
1. «Рангинкамон» (тожик тилида).
2. «Интерспорт».
3. Альфия Шакурова рақсга тушади.

* *
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 15-серия.
15.15 «Познер ва Донахью».
15.55 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?». Телефильм (Австрия).
16.40 Янгиликлар.
16.55 Трансросэфир. «Европа—Осиё».
17.40 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.55 Эълонлар.

*
18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар.
22.25 Душанба куни детектив. «Штемп». Бадиий фильм.
23.50 «Уйга олиб борадиган узундан-узоқ йўл». Ҳужжатли фильм.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 11 декабрь сонидан олинди.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

ШУНДАЙ ЎТГАН ЁШЛИГИМ

Ўн учга тўлганимда,
Ақлимла иш бошладим.
Дастёр бўлиб онамга,
Ёрдам қўлим ташладим.

Оёқда ёғоч ковуш,
Босганда чиқар товуш.
Усти-бош ямоқ-яланг,
Қишда юрардим аранг.

Уйимизнинг олдида,
Сув тегирмон бўларди
Ҳар куни супурардим,
Тўзиб ётган унларни.

Келтириб шу унларни
Онам билан тўплардик.
Нон ёпарди волидам,
Чой эмас, сув ҳўплардик.

Тош чиқса гисир-гисир
Шукур қилиб ер эдик.
Қолдими? деб чошгоҳга
Онамиздан сўрардик.

Тандир эди шериклик
Қўшнилар ҳам ёпарди
Ўт қалаб, ёрдам бериб,
Иккита нон топардик.

Зоғора нон мазайди
Уни гоҳ-гоҳ кўрардик.
Биттасини ўн бўлиб
Бурдасига тўярдик.

Томирлар кавлаб ердик,
Хўп мазали экан деб.
Лек очдан ўлганларни,
Ўзимиз ҳам кўргандик.

Шукур қилинг,
фарзандлар,
Нон сероб бу замонда,
Асло уни хор қилманг,
Исроф жуда ёмон-да.

Беҳудага нолимай,
Меҳнат қилиб яшайлик.
Дўст бўлиб аҳил-иноқ,
Қўлни қўлга ташлайлик.

Астойдил меҳнат қилсак,
Биримиз икки бўлар
Мустақил давлатимиз
Хирмонлари ҳам тўлар.

Тўкинчилик сўздамас,
Иш билан бўлар бисёр.
Ҳалол меҳнат қилганга
Аллоҳ эрур мададкор.

Шоирлардек ёзай деб,
Кеча-кундуз ўйладим.
Лекин дилим розини
Ўз билгимча сўйладим.

Азимжон ПЎЛАТОВ.

● *Меҳр кўприги*



● КУНИ кеча Тошкент олийгоҳларида билим олиш учун Туркия Республикасидан бир гуруҳ ёшлар келишди. Суратда: туркиялик талабаларнинг пойтахт аэропортида самимий кутиб олиш пайти.

Суратказ А. ЗУФАРОВ (ЎзА).

ЁШЛАРНИНГ ТОЛЕИ БАЛАНД

ХОРИЖИЙ тилларни билиш ва бу тилларда мулоқот қилиш ҳозирга келиб зарурат бўлиб қолди. Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо-сотиқ, фан ва техника ҳамда сиёсий ва маданий алоқаларнинг кучайиши чет тилларни билишга бўлган қизиқишимизни ва эҳтиёжимизни кучайтириб юборди. Шу мақсадда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг раҳбарияти бир қанча хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Айниқса, Туркия давлати билан дўстлик алоқалари катта эътиборга лойиқдир. 1991—1992 йиллар давомида турк тилини ўрганиш борасида бир неча катта ишлар амалга оширилди. Университет ўқитувчи-профессорлари олти ой давомида турк тилини ўргатишди. Тилни яхши ўзлаштирган 20 нафар ўқитувчи-профессорлар ёзги таътилда икки ой давомида Туркиянинг кўп шаҳарларида бўлиб, у ердаги таълим-тарбия ишлари, иқтисодий тежамкорликлар хусусида кўплаб янгиликларни кўриб, ўрганиб қайтдилар. Туркиялик етук тилшунос, иқтисодчи олим ва ўқитувчилар Ўзбекистонга таклиф этилдилар. Бу таклифни мамнуният билан қабул қилган турк мутахассислари Ўзбекистонга ташриф буюриб ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатишга киришдилар.

Улардан Эртуғрул Яман, Ражаб Ширин, Муҳиддин Гумуш, Зеки Сузар, Махмет Тўлум каби тилшунос олимлар Ўзбекистондаги олийгоҳларда турк тили бўйича талабаларга пухта таълим бермоқдалар. Қуйида улардан бири билан суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Эртуғрул Яман, ўзбек диёрига ташриф буюрганингиздан мамнунмисиз?

Мен серқуёш Ўзбекистонга келиб жуда севиндим. Бу ерда яхши инсонлар жуда кўп экан. Айниқса, иқтисодиёт университетида кўплаб қадрдонлар, дўстлар орттирдим. Дорилфунун ректори Саидаҳрор Ғуломовни мен доимо меҳр билан эслайман ва тилга оламан. Чунки, у киши элат орасида меҳр кўпригини бунёд этган билимдон олижаноб инсон. Ректор ўринбосарлари Зокиржон Йўлдошев, Ўктам Рашидов, Қаландар Абдураҳмонов, факуллиёт деканлари Атҳамжон Фаттоҳов, Акромжон Каримов, кафедра мудири Диёр Муҳитдинов, Умрзоқ Зоҳидов каби бағри кенг, зеҳни ўткир, студентларнинг меҳрибон устозлари билан таниш тутинганимдан беҳад хурсандман.

— Ўзбекистонга қандай мақсад ва режалар билан келгансиз?

— Менинг юртингизга келишимдан мақсад: биринчиси — ўзбек студентларига турк тилини ўргатиш ва шу тилда дарс бериш, иккинчиси — ўзбек тили ҳақидаги ўз билимимни ошириш, учинчиси — ўзбек халқи билан бирга бўлиш. Энди режаларим ҳақида тўхталсам. «Ўзбек ҳикоялари антологияси»ни турк тилига ағдариб Туркияда нашр эттирганман.

— Ҳозир қайси олийгоҳда дарс бераяпсиз?

— Ҳозир ТошДЎнинг «Турк тили» кафедрасида, ТДИЎнинг «Шарқшунослик» кафедрасида ишлаб, студентларга турк тилидан маърузалар ўқиб, уларга турк тилини яхши ўзлаштиришларида ўз тажрибаларимни баҳам кўряпман. Бир неча бор Ўзбекистон ойнаи жаҳонида «Турк тилини ўрганамиз» кўрсатувларида ҳам иштирок этдим.

— Ўзбек студент-ёшлари ҳақида қандай фикрдасиз?

Бу ўринда шуни айтиш керакки, ёшларингиз орасида илмга чанқоқ, изланиш ва интилишдан, янгилик яратишдан чўчимайдиганлар кўп экан. Мен уларга — интилинг, илм олинг, изланинг, келажакда баркамол авлод бўлиб етишинг, деб мурожаат этмоқчиман.

— Ўзингиз ва оилангиз билан яқинроқ таништирсангиз.

— Туркиянинг Тўқот шаҳрида туғилганман, 6 ёшдан мактабга, сўнг лицейга қатнадим. Анқара университетининг филология ва тарих-география факультети «Турк тили ва адабиёти» бўлимида ўқидим. Уни 1985 йилда тугатдим. Шу йилдан бошлаб мазкур университетда турк тили бўйича дарс бердим. Магистр ва докторант таҳсилини Анқарадаги Гази университетида олдим. Ўша пайтларда турк лаҳчалари, хусусан ўзбек-қозоқ тиллари бўйича илмий ишлар ёздим.

Уйланганман. Бир қизчамиз бор. Аёлим уй бекаси, қизимнинг исми — Тубонур жаннатдаги энг катта дарахтнинг номи.

Ўзим ҳам бутун Туркия элати номидан Ўзбекистондаги қариндошларимизга омонлик, сиҳат-саломатлик ва абадий мустақиллик тилайман.

Суҳбатни
И. АШРАПОВА
ва Х. НОСИРОВлар
олиб боришди.

● *Ўрта таълим муассасаларида*

«РЕГИСТОН» КЎРГАЗМАДА

АНГРЕН шаҳри мактабларида тасвирий санъат машғулотлари яхши йўлга қўйилган. Шаҳар ўқувчилар уйида фаолият кўрсатаётган меъморчилик санъати тўгарагига ҳам кўпгина ёш истеъдодлар жалб этилган.

Тўгарак аъзолари ўзбек диёрининг кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари қадимий обидаларини тасвирини туширишга ҳам муваффақ бўлдилар. Умидли ёш рассом О. Душаев чизган меъморчилик асари «Регистон» деб номланди. Ёш ижодкор уни яратишда ўзига хос йўл тутиб. Регистоннинг манзарасини нафис талқин этишга эришди.

Ана шу жозибадор асар яқинда Тошкентда очилган «Ўзбекистон меъморчилик санъати — болалар ижодида» деган республика кўргазмасидан муносиб ўрин олди.

МАКТАБДА КИЧИК КОРХОНА

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги 10-ўрта мактаб намунали билим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Илғор педагогик жамоа ташаббуси билан бу ерда кичик корхона очилди. Корхона юқори синфлар учун ўқув дастурларини тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бу хил ўқув қўлланмаларни яратишда мактабнинг илғор ўқитувчилари фаол қатнашиб, ўз бой педагогик тажрибаларини ишга солмоқдалар.

Ўқитувчилар тайёрлаган дастлабки ўқув дастурлари вилоятимиздаги 80 дан ортиқ мактабда татбиқ қилинди. Кичик корхона бланка нашри маҳсулотларини чиқаришга ҳам киришди.

С. ОДИЛОВА.

ҚЎЛИ «ШИРИН» ЙИГИТЛАР

ОҲАНГАРОНДА бу болаларни кўпчилик шундай деб аташади. Олимжон Рустамов йил бошида елиб-югуриб шаҳарнинг «Наврўз» маҳалласи гузарида ижара усулидаги ошхона ташкил қилганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай бу ошхонадан хўрандалар қадами узилмайдиган бўлиб қолди. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида ҳам одамлар мазали ва сифатли таомларни истеъмол қилиш учун ошхонага тез-тез ташриф буюришади.

— Таомларни сифатли қилиб тайёрлашда Қаҳрамон Тохтиев, Олимжон Баратов, Надежда Димитровичлар ўзларининг ошпазлик маҳоратларини ишга солмоқдалар,— дейди Олимжон Рустамов.— Тўғри, ҳозир таомларнинг нархи анча ошиб кетди. Лекин, гўштнинг килосини умумий овқатланиш идорасидан 225 сўмга, унинг килосини 80 сўмга олаётганимиз, сабзавотларни бозордан харид қилаётганимизни ҳисобга олсак, таомлар нархи бежиз ошмаганига амин бўласиз. Шунга қарамай, хўрандалар мамнун. Уларга янада қулайликлар яратиш мақсадида, қўшимча чойхона бинои, умумий заруратхона қуришни мўлжаллаяпмиз.

Ф. ПАРДАЕВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ, ОДАМЛАР!

ёки бир қотил аёлнинг мудҳиш жинояти ҳақида

Шу йилнинг ёз кунларидан бирида Пискент районидаги касалхонасига фуқаро М. Аширова оғир аҳволда олиб келинди. Унинг бош суяги синган ва мияси қаттиқ жароҳатланган, қўл бармоқлари синган, пешона, кўзлар атрофлари, елка, билак ва оёқ қисмларида кўплаб жароҳатлар бўлиб, оғиз бўшлиғи бурчакларидан териси йиртилган ҳолда эди. Касалхона врачларининг уч кунлик уринишлари зое кетди — М. Аширова ҳушига келмасдан оламдан ўтди..

Хўш, эндигина 26 баҳорни кўрган бу аёлни шу аҳволга солган золим ким? Одатда бундай савол берилганда кўз олдимизга беихтиёр ваҳшийлиги башарасидан кўриниб турган, қўлида қонли ханжар ушлаган, қамоқхонадан бери келмайдиган ёвуз, сўхтаси совуқ бир қотил тимсоли келиши аниқ.

Лекин М. Ашированинг қотили бундай бир қолипдаги қиёфага мутлақо ўхшамайди: у ички дунёсини мустаҳкам қилганда, исми жисмига муносиб, истараси иссиққина, икки боланинг онаси. 1964 йилда туғилган Гўзалия Салоҳитдиновадир.

Ажабо, бу аёлни мудҳиш жиноят содир қилишга нима мажбур этди экан? Бу саволга жавобни энг аввало, қотилнинг шахсидан, унинг ҳаёт тарзи, ён-атрофдагиларнинг унга бўлган муносабатларидан излаш лозим. Шу мақсадда жиноят иши материалларига мурожаат этамиз.

Аниқланишича, Г. Салоҳитдинова 1983 ва 1985 йилларда туғилган икки қизининг онаси, хулқи туфайли эри билан ажрашган. Узоқ вақт мобайнида ҳеч қаерда ишламаган, болаларининг тарбияси билан мутлақо шуғулланмаган. Аксинча, ўзининг ичкиликка ружу қўйганлиги, енгилтабиатлилиги, ҳар хил шубҳали эркаклар билан номуносиб алоқалари билан болаларига салбий таъсир ўтказиб келган. Шулар сабаб, Пискент район халқ судининг 1989 йил 28 сентябрь қарори билан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган.

Она учун бундан ҳам оғир жазо бўлиши мумкинми? Начора, қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Лекин афсуски, Гўзалияга бу жазо чинин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. У икки бола тарбияси билан шуғулланишдек «ортиқча» ташвишдан қутулгач, ўз кўнгилхушидан бошқа нарсани ўйламади — яна мунтазам равишда ичкиликбозлик, турли жазманларнинг келди-кетдиси, маст-аласт ҳолда қўни-қўшнилар билан деярли кундалик жанжал-тўполонлар унинг турмушида энди одатий тусга кириб қолган эди. Бу орада «қаҳрамонимиз» маъмурий органлар билан ҳам тўқнаш келди — 1991 йил 23 август куни Пискент район халқ суди томонидан содир қилган безорилик ҳаракатлари учун Салоҳитдиновага жарима солинди.

Бу каби енгилтак турмуш тарзи, ичкиликбозлик Гўзалияни пировард натижада оғир жиноятга етаклади.

...Гўзалиянинг уйида навбатдаги ичкиликбозлик, базми давом этмоқда. Бунда ҳозир бўлган хонадон эгасининг «яқинлари» — Д. Қосимов, З. Назирова, М. Ашироваларнинг кайфлари чоғ, уларга ҳозир икки дунё бир қадам. Аммо... Гўзалиянинг томирларида ўйнаётган ароқ уни навбатдаги «қаҳрамонлик»ка ундай бошлади. Бу ҳолат Гўзалия учун янгилик эмас, чунки у йиллар давомида жанжал-тўполонлар «ташаббускори» бўлаверибўрганиб қолган, шу вақтгача унга нисбатан сезиларлик чора кўрилмагани эса унинг онгига ҳар қандай номаъқулчилик қилса ҳам жазоланмаслик туйғусини сингдирган эди. Ичилган ароқнинг кучи билан Гўзалия дугонаси М. Ашировани арзимас баҳоналарни рўкач қилган ҳолда ҳақоратлай бошлади. Бунга ҳам қаноатланмай, унинг сочини юмдалаб уришга ўтди. Табиатан ювош ва жисмонан Гўзалиядан анча нимжон бўлган М. Аширова кучи етганча қаршилик кўрсатмоқчи бўлди, аммо ожизлик қилиб қолди. Бундан илҳомланиб кетган Гўзалия уни янада қаттиқроқ дўппислайверди. Шунда М. Аширова калтак зарбидан қутулиш учун деразани очиб, ёрдамга чақира бошлади. Буни кўрган Гўзалия қутуриб кетди; М. Ашировани бошини пастга эгиб, иккинчи қўли билан унинг оёқларидан кўтарган ҳолда уни уйнинг иккинчи қаватида жойлашган деразадан асфальт билан қопланган ерга ташлаб юборди. Ерга бошибилан келиб урилган М. Ашированинг ўлмаганини, аммо ўлар ҳолатда инграб ётганини дераза орқали кўрган Гўзалия мудҳиш жиноятни охиригача етказиш мақсадида югуриб пастга тушди ва яна бу беҳол мажруҳни тепиб, ура бошлади, кейин эса қўлларини М. Ашированинг оғзига тиқиб, чаккаларини йирта бошлади...

Ким билсин, қўйиб берса Гўзалия яна қандай ҳунарлар кўрсатмоқчи бўлган. Аммо қийналиб бўлса ҳам унинг «шишадош» дўстлари Д. Қосимов ва З. Назировалар қутуриб кетган Гўзалияни жабрдийда ёнидан олиб кетишди...

Кейинги воқеалар қонунда кўзда тутилган тарзда кечди, яъни жиноят иши қўзғатилиб, Г. Салоҳитдинова қамоққа олинди, иш судда кўрилиб, қотил 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Демак, ҳақиқат қарор топди.

Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Хўш, Г. Салоҳитдинованидан туғилганида ичкиликбоз, енгилтабиат ва қотил бўлган дея оламизми? Албатта йўқ. Унинг жиноятчи бўлиб шаклланишида, фикримизча, ён-атрофдагиларнинг — мактаб, маҳалла, жамоат ташкилотларининг, таъбир жоиз бўлса, лоқайдликларни асосий сабабдир. Ахир мудҳиш жиноят содир бўлган куни Гўзалиянинг маст-аласт ҳолда жанжал чиқазиши биринчи бор рўй бераётгани йўқ эди. Наҳотки унинг дунёдаги энг азиз бойлиги — болаларидан ажралишгача етиб борган аҳволи кундан-кунга тубанлашаётганини қўни-қўшнидарию, маҳалла-қўйдагилар билишмаган бўлса? Участка инспектори-чи, бу унинг бевосита хизмат вазифасига киради-ку. Ахир Г. Салоҳитдинова ўз хулқи билан кўпчиликка отнинг қашқасидай бўлиб қолганди-ку!

Фикримизча, бу ўринда лоқайдликка йўл қўйилган, ҳамманинг кўзи олдида кундан-кунга ахлоқан тубанлашиб бораётган инсонга, аёлга, қолаверса жамиятимиз аъзоларидан бирига ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмаган, уни тўғри йўлга солишга, лоақал ишга жойлаб қўйишга ҳаракат ҳам қилмаган. Агар шу ишлар ўз вақтида қилинганда, балки бу жиноят содир этилмаган бўлармиди.

Бу каби воқеалар айниқса кейинги вақтларда кўп учрамоқда, уларнинг аксарияти замирида эса яна ва яна юқоридагидек лоқайдлик, киши тақдирига бефарқлик билан қараш ҳоллари ётибди.

Шулардан келиб чиқиб, «Одамлар, бир-икки кунлик қийинчилик баҳонасида бир-бирингиздан меҳрингизни узманг, лоқайд бўлманг, чунки меҳрибонлигу эзгулик, йўлдан адашганни тўғри йўлга солиш иймондандур», дегинг келади.

П. НАЗАРОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси тергов бўлими бошлиғи.

ЎЗБЕК САНЪАТИГА ЭҲТИРОМ

Покистонда иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳафталиги доирасида ташкил этилган анжуманда бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари ҳам қатнашди. Бу Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси билан Покистоннинг «Табани» фирмаси ўртасидаги келишувга мувофиқ ўтказилган дастлабки йирик тадбир бўлди. Унда республикамизнинг кўпгина санъат даргоҳлари, жумладан, «Баҳор» ашула ва рақс дастаси, Муқимий номидаги мусиқий драма театри, «Наво» дастаси, давлат филармонияси жамоалари вакиллари иштирок этди.

— Биз Покистоннинг икки йирик шаҳри — Лаҳор ва Исломободда санъатимизни намойиш этдик,— деди ЎзА мухбирига гуруҳ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қодир Муминов.— Ўзбек санъатни мухлисларни биз ўйлаганимиздан анча кўп экан. Қаҳрамон Дадаев доирасининг жаранги, раққосаларимизнинг ўзбекча, туркманча, панжобча рақслари уларга манзур бўлди.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ДИҚҚАТ!

Тошкент вилояти матлубот жамияти уюшмасига қарашли Тошкент ўрта ҳунар-техника билим юрти 1992 йил 29 августда тугатилди.

Билим юрти фаолияти билан боғлиқ барча шикоятлар 1 ой муддатгача қабул қилинади.

Билим юрти манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210-а уй.

Телефон: 65-26-48, 65-26-47

Тошкентбой Эгамбердиев номли

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЦИРКИ

(Ҳадра майдони)

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

25 декабрдан 1993 йил 10 январгача

«ЦИРКДА АРЧА»

ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўғил ва қиз болалар!!!

Катта цирк томошалари, ғаройиб саргузаштлар, масхарабозлар ва артистлар Сизларга мунтазир!

ТОМОШАЛАР: 25 декабрь соат 12, 14, 16.00 да;
26 декабрь соат 10, 12, 14, 16.00 да;
27 декабрь соат 10, 12, 14, 16.00 да;
28 ва 29 декабрь соат 12, 14, 16.00 да;
30 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10 ва 16.00 да;
1993 йил 2-8 январь кунлари соат 16.00 да;

1993 йил 9 ва 10 январда соат 10, 12, 14, 16.00 да бошланади.

Касса соат 10 дан 18.00 гача ишлайди.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, Қишлоқ аҳолисининг талабномалари бўйича навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш йўлга қўйилган.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Цирк фойесида шошилинч суратказлик устахонаси ишлаб турибди.
44-29-04

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ 33-40-48
АХБОРОТ, ТИҲОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ. 33-99-15.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Нашр кўрсаткичи: Г-516. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 31730 нусха босилади.